

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ташаббус – 2015

«ТАКРО ОСИҲО» – ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" санъат саройида республика Президенти соврини учун "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши, 2000 йилда кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулот мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоиздан 56 фоизгача ўсишида, мазкур соҳада меҳнат қилаётганлар иш билан банд аҳолининг 77,2 фоизига етишида Президент ташаббуси билан ташкил этилган "Ташаббус" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси ҳамда қатор тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилган танловнинг куйи босқичларида 6 минг 200 иштирокчи қатнашди.

Тадбиркор, фермер ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб маҳора-

ти ва билимини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу орқали мамлакатимизда бизнес муҳитини жадал ривожлантириш ҳамда иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини ошириш мақсадида ўн тўққизинчи бор ўтказилган мазкур танловда шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 иштирокчи "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши хунарманди" ҳамда қўшимча "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор", "Менинг юртим – менинг ифтихорим", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб", "Энг яхши экспортчи" ва "Энг масъулиятли ижтимоий шерик" номина-

циялари бўйича бахслашишди. Шунингдек, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан "Кекса тадбиркор – Ташаббус эъзозида" номинацияси ҳам жорий этилди.

Танловнинг "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида вилоятимиз вакили, Зангиота туманидаги "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолддин Ғиёсов ғолиб бўлди.

– Корхонамиз мато тўқиш, трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади, – дейди К. Ғиёсов. – Танловда ғолиб бўлиш мен ва жамоамиз учун катта бахт. Ўйлайманки, корхонамиз фаолиятига берилган ушбу юксак баҳо фаолиятимизни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Танловнинг шунингдек, "Йил-

нинг энг яхши фермери" йўналишида Наманган вилоятининг "Раис-Санг" кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Илёсжон Ботиров, "Йилнинг энг яхши хунарманди" йўналишида эса хоразмлик Аллазар Саъдуллаев ғолиб деб топилди.

"Ташаббус – 2015" кўрик-танлови ғолибларига Президентимиз соврини – "Spark" автомобиллари қалитлари, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розукулов иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Маънавият

Санъатсеварлик – халқимизга хос фазилат. Неча асрларки, бой маънавий меросимиз авлоддан авлодга ўтиб, юксалиб, сайқал топиб келмоқда. Улар орасида, айниқса, мусиқа, томоша санъати, анъанавий ижрочилик йўналишлари чуқур ва теран илдизларига эга.

САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Эътиборлиси, мустақиллик йилларида давлатимизнинг бевоисита эътибори ва ғамхўрлиги билан халқимиз маданий ҳаётида санъатнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётти, кундан кунга янги истеъдодлар юзага чиқиб, қамол топишмоқда. Жойларда янги мусиқа ва санъат мактаблари курилиб, соҳада устоз ва шогирдлик анъаналари бардавомлик касб этаётир.

Шу билан бирга, миллий санъатимизни оммавий маданиятнинг ёт таъсирларидан асраш, ёшларимиз онги ва тафаккурига миллий қадриятларимиз, кўп йиллик анъана ва урф-одатларимиз руҳини янада чуқурроқ сингдириш бугуннинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қоляпти. Бинобарин, Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида санъат ҳақида, маданий ҳаёт ва унинг теъдарағидаги кемтикликлар хусусида фикр юритилар экан,

(Давоми 4-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ФАХРИЙЛАР СОҒЛИГИ ТИКЛАНАДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийла-

рини ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ушбу

йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Фармонга мувофиқ 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

Газетанинг шу йил 25 апрелдаги 32-сонига юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Зангиота тумани "Истикбол" газетасининг йўловчи ташиш транспорт тизимида йўл қўйилган камчилик ва қонунбузарликлар хусусидаги чиқишларига бирор мутасадди

Республика Президентининг "Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори талаблари асосида аҳолига ноқонуний, яъни лицензиясиз хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятига чек қўйиш учун қўшма назорат тадбирларини ўтказиш ва айбдорларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида, тадбирлар режаси иш-

ташкilot муносабат билдирмагани таъкидланган эди.

Нихоят, тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят давлат солиқ бoshқармаси бoshлиги ўринбосари Д. Юнусжонов имзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан шундай фикрлар баён этилади.

Шахслар қонунбузилишига йўл қўйгани аниқланиб, 837 нафар ҳуқуқбузарларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун суд идораларига юборилиб, 816 нафарига 556,7 млн. сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, 27 ҳуқуқбузарга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, 9 нафарига нисбатан жиноий иш кўзга тилиди.

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/II сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚўМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ТАРКИБИНИ ҲАМДА ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ 2015 ЙИЛГА МўЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштириш, вилоят Кенгаши доимий комиссияларига амалий ва услубий ёрдам бериш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 24-моддаси, Сенат Кенгашининг 2015 йил 4 мартдаги КҚ-3-III сон "Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясини тузиш тўғрисида"ги қарори, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Регламентининг 6-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ишчи гуруҳининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ишчи гуруҳининг таркибини

ҳамда ишчи гуруҳининг 2015 йилга мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ишчи гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси А. УСМАНОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/IV-I сон

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2015 ЙИЛ 1-ЧОРАК ИЖРОСИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан бир қатор вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Тошкент вилояти бўйича 2015 йил 1-чораги учун бюджетга солиқлар ва тушумларнинг тасдиқланган режа-кўрсаткичи 384,1 млрд. сўм белгиланган бўлиб, аниқ-

ланган режа-кўрсаткичи 359,9 млрд. сўмни ташкил қилди, ҳақиқатда эса 361,9 млрд. сўм, яъни аниқланган режага нисбатан 100,5 фоизга бажарилган. Худудлар кесимида ҳам барча туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлар прогноз режасини бажарилишини таъминладилар.

Маҳаллий бюджетнинг ҳаражатлар қисмининг аниқланган режаси 361,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда ижроси 304,2 млрд. сўмга ёки аниқланган режага нисбатан 84,1 фоизга

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/IV-II сон

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТўҒРИСИДА

Вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим этилган вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йил ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилоятининг 2014 йил маҳаллий бюджети ижроси ҳисоботи даромадлари бўйича 1539,6 млрд. сўм ва харажатлари бўйича 1420,6 млрд. сўм ёки даромадлар харажатдан 118,9 млрд. сўм миқдорида ошган ҳолда тасдиқлансин.

2. Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2014 йилги ижроси тўғрисидаги вилоят ҳокимлигининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси А. УСМАНОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/VI сон

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК БўЙИЧА ЖАМОАТ КОМИССИЯСИ ТўҒРИСИДА

Жойларда ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган

кундан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси А. УСМАНОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/VII сон

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДА «ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КЕНГАШИ»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТўҒРИСИДА

Вилоятнинг 2015 йилда пахта етиштирувчи фермер ҳўжаликларида гўзани бегона ўтдан тозалаш, озиклантириш, культивация қилиш, суспензия сегиш ва шоналаш фаза-сида бир марта озиклантириш, мавжуд сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, ҳашарот ва касалликларга қарши курашган ҳолда пахта хом ашёсини етиштиришда юксак уюшқоқлик кўрсатиб, тизимли ҳамда тартиб билан

(Давоми 2-бетда).

МЕҲРУ АРДОҒИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Янгийул туманидаги вилоят "Кичкин-той" болалар уйи тарбияланувчилари учун вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" мавзусида хайр-саховат тадбири уюштирилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирдан мақсад юртимиз келажак бўлган ўғил-қизларнинг жисмонан соғлом, маънан етук, чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятли бўлиб вояга етишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, айниқса эътиборга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатишдир. Дарҳақиқат, мазкур ташири, уларга аталган совғасаломлар кичкинтойларга олам-олам қувонч бахш этди.

Шундай тадбир Чиноз



туманидаги 5-ихтисослаштирилган қиз болалар мактаб-интернатида ҳам ўтказилди.

Аслида оилада тарбия топаётган фарзандларга ҳам алоҳида эътибор, меҳр-муҳаббат зарур. Энди болалар уйлари ёки меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган

ўғил-қизларга бундай эътиборнинг нечоғли аҳамиятли эканини таъкидлаш шарт эмас. Уларга нафақат совғасалом, балки ширин қалом, ота-оналик меҳр-муҳаббати зарур. Шу маънода тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари ёш кўнгилларни

обод этиб, хайр-саховат кўрсатдилар. Хар икки учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

2015 йил –
Кексаларни
эъзозлаш йили

ФАҲРИЙЛАР СОҒЛИГИ ТИКЛанади

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволанаётди.

Қибрай туманидаги "Бўстон" санаторийсида ҳам мазкур ҳужжат асосида уруш ва меҳнат фахрийлари соғломлаштирилмоқда.

– 229 ўринга мўлжалланган муассасамизда фахрийларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган, – дейди санаторий директори Фарид Акбаров. – Хоналар замонавий жиҳозлар, қўшимча ёруғлик мосламалари, тўғридан-тўғри навбатчи шифокор билан боғланиш имконини берувчи алоқа воситалари билан таъминланган. Сихаттоҳда муолажа, физиотерапевтик даволаш хоналари ётоқ бинолари билан ёнма-ён қурилган бўлиб, бу тиббий хизматларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш имконини яратмоқда. Нурунийларимизнинг мароқли дам олиши учун турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, концерт дастурлари, тарихий қадамжоларга саёхатлар ташкил этилаётгани отахон оёнахонларга маъқул бўлмоқда.

Асб, юрак қон-томир касалликлари соғломлаштиришга мўлжалланган мазкур санаторийда йилига ўн икки мингга яқин бемор даволанади. Уларга невролог маслаҳати, лазеротерапия, галатерапия, даволаш бадантарбияси, балчик, сув билан даволаш каби қатор муолажалар кўрсатилади.

Сихаттоҳда даволанувчилар учун қулай шароитлар яратилган, тиббиёт ходимларининг ҳушмуомаласи фахрийларга манзур бўлмоқда.

– Илгари оёғимни босолмасдим, қон босимим ҳам тез-тез кўтарилиб турарди, – дейди сарбосиёлик Раҳим ота Раҳмонкулов. – Врачлар "Бўстон" санаторийсига йўланма берди. Бу ерда шифокорлардан зарур муолажаларни ололқадим. Сихаттоҳнинг шифобахш ҳавоси танга роҳат бағишлайди.

Шахноза МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Семинар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Юқори Чирчиқ туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорлигида "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенция (CEDAW)ни ҳаётга кенг татбиқ этиш орқали оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш" мавзусида семинар уюштирилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, мутахассислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, прокуратура, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлар иштирок эттишди.

Конвенция меъёрларини ўз ичига олган давлат қарорларининг жойларда бажарилишини таъминлашга дахлдор ходимларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида йўналтирилган семинарда асосий эътибор Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилганлигига қаратилди. Зеро, Конвенция талабларига мувофиқ Ўзбекистондаги давлат сиёсати хотин-қизлар ҳимоясига доир 80 га яқин миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинган билан тўла мос келади.

Ўз ўрнида Конвенциянинг мазмун-моҳияти, иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари, бу борада Ўзбекистонда амалга ошири-

лаётган чора-тадбирлар, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аёллар манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидлаб ўтилди.

Икки кун давом этган семинарда Конвенциянинг ҳар бир қисми, моддалари таҳлил этилиб, "Оила", "Оилада ҳуқуқ тартибининг бузилиши", "Оилада ҳуқуқ тартиби бузилишининг олдини олиш" мавзулари фаолатлари кизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Шунингдек, 1995 йилги Пекин Декларацияси ва Пекин Платформаси ҳақида маълумот берилди.

Семинар ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Саида ИКРОМОВА.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

Республика Президентининг юқоридаги қарори қабул қилинганга қадар вилоят бўйича йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 38 та, улар таркибидagi автотранспорт воситалари 395 та бўлса, бугунги кунга келиб, қорхоналар 178 тага, автотранспортлар 4053 тага етиб, 10,3 баравар ошди. Шу йил 1 майгача ушбу юридик шахслар аҳолига кўрсатган пуллик автотранспорт хизматида тушган маблаг 18,8 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилдагидан 3,6 млрд. сўм кўпайди.

Тижорат асосида автомо-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мавзуга қайтиб

СОХТА ЖАВОБ КИМГА КЕРАК?

Газетамизнинг шу йил 13 май сониди "Чиноздагилар нима деркин?" номли мақола эълон қилинган ва унда Чиноз тумани иссиқлик манбаи қозонхонасига тааллуқли муаммо кўтарилиб, қорхона атрофида марказий поликленика ходимларига тегишли, тахминан 10-15 тонна кўмир сочилиб ётгани танқид қилинган эди. Мазкур мақолага Чиноз тумани тиббиёт бirlашмаси бошлиғи Ж. Носиров имзоси билан жавоб хати келган ва у газетанинг 27 май сониди эълон қилинган эди.

Жавоб хатида ёзилишича, мақола Чиноз тумани тиббиёт бirlашмасининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинган

ва унда айтилган камчилик тасдиғини топган. Шундан кейин иссиқлик манбаи қорхонаси ва аввалги поликленика биноси ўртасидаги майдон зудлик билан кўмир чиқиндиларидан тозаланган.

Тўрт кун ўтиб, яна Чинозга бордик. Кўмир ҳамон жойида. Ж. Носиров қайси кўмирни олдиригани ёки тахириятга ёлғон маълумот йўллашга нима мажбур қилганини тушунмадик. Хафта ўтиб, Ж. Носировга телефон қилдик. "Кўмирнинг ярмини олдик. 5-6 тоннаси қолди,

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарори талаблари бузилгани аниқланган. Шунингдек, тижорат асосида автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташувчи 5 та юридик шахсларда ҳужжатли текширишлар ўтказилиб, 3 тасида қонунбузарлик аниқланди, солиқ ва мажбурий тўловлардан жами 226 миллион 907,5 минг сўм қўшимча ва 91 миллион 256 минг сўм молиявий жарималар ҳисобланган.

Бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳамда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 25 апрелдаги 32-сониди чоп этилган "Эъти-

борсизликми ёки газетани менсимасликми?" сарлавҳали мақола юзасидан бошқарманинг 2015 йил 12 майдаги 15-4632-сонли хати билан вилоят прокуратурасига маълумот тақдим этилган.

Бундан ташқари, республика Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорлари ижроси солиқ органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан назоратга олинган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/IV-I сон

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2015 ЙИЛ 1-ЧОРАК ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

бажарилди. Жумладан, 1-гурӯх харажатларига 239,4 млрд. сўм ёки аниқланган режага нисбатан 89,5 фоизга бажарилган, шундан бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақини тўлаш харажатларига 223,9 млрд.сўм (аниқланган режага нисбатан 89,6 фоизга) ва ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатларига 15,5 млрд. сўм (аниқланган режага нисбатан 88,6 фоизга) касса харажатлари амалга оширилган. Иш ҳақидан ажратмаларга, яъни 2-гурӯх харажатлари 38,1 млрд.сўм (аниқланган режага нисбатан 90,6 фоиз) касса харажатлари амалга оширилган. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш, яъни 3-гурӯх харажатлари 5,6 млрд.сўм касса харажатлари амалга оширилган бўлса, бошқа харажат турлари, яъни 4-гурӯх харажатларига 21,1 млрд. сўм касса харажатлари амалга оширилган.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва қуйи катламларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2015 йилнинг ўтган чораги мобайнида 49140 нафар икки ёшгача болалари бўлган оналарга

(Давоми. Боши 1-бетда).

11526,0 млн. сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилди.

5391 нафар оналар томонидан фуқаролар йиғинларига аризалар билан мурожаат қилиниб, 4484 нафарига нафақа пуллари тайинланиб тўланган ва 907 нафар оилаларнинг даромадлари белгиланган нафақа тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли нафақа пули тайинланиши рад қилинган.

Ўтган давр мобайнида 30421 нафар вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга 2959,9 млн.сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилган.

14 ёшгача фарзандлари бўлган 5518 та оилалардан вояга етмаган фарзандларига нафақа пуллари тайинланишини сўраб мурожаат қилинган бўлиб, фуқаролар йиғинлари қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг ҳулосасига асосан 4452 та оилалар нафақага муҳтож деб топилган. Уларга нафақа пули тайинланиб тўланган ва нафақа пули тайинланишини сўраб мурожаат қилган 1066 та оиланинг ўртача даромадлари белгиланган нафақа тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли нафақа пули тайинланиши рад қилинган.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун ҳисобот даврига жами 976,3 млн. сўм тўлаб берилган бўлиб, жами моддий ёрдам пули тайинланишини сўраб 1491 та оилалар аризалар қабул қилиниб, шулардан 1080 нафари моддий ёрдамга муҳтож деб топилган. 411 та оиланинг даромадлари моддий ёрдам тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли моддий ёрдам пули тайинланиши рад қилинган.

2015 йил 1 январь ҳолатига вилоят маҳаллий бюджетига шакланган эркин қолдиқ маблағлари 7,9 млрд. сўмини ташкил этиб, 2015 йилнинг ўтган даври давомида 7,6 млрд. сўм маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Давлат дастурларида кўрсатилган тадбирларга иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун тасдиқланган захира жағмағмаси 1,9 млрд. сўмини ташкил этиб, 2015 йилнинг ўтган 1-чораги давомида вилоят миқёсида турли тадбирларни амалга ошириш, умуммиллий байрамларни нишонлаш, фуқароларнинг

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

А. УСМАНОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

2015 йил 9 июнь

III/VII сон

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДА «ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КЕНГАШИ»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

иш ташкил этиш, сиёсий партиялар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, фермерлар Кенгаши аъзолари, халқ олдида обрўи бўлган, фидойи жамоатчилик фаоллари ташаббусларини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг селектор йиғилишларида белгилаб берилган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш ва гўза парваришида жойларда аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2015 йил 5 июнь кунли бўлиб ўтган селектор йиғилишида 5 июндан 5 августгача гўза агротехникасида муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан "Долзарб 60 кунлиги" деб эълон қилинганлиги ва вилоят ҳокимининг 2015 йил 5 июндаги 170-сонли Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҳузурида "Жамоатчилик назорати Кенгаши"ни ташкил этиш тўғрисидаги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жорий йилнинг 5 июнидан 5 августига қадар гўза агротехникасида муҳим агротехник тадбирларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлашга ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда жойларда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг

ташаббуслари инобатга олиниб, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, фермерлар Кенгаши аъзолари, халқ олдида обрўи бўлган, фидойи, кишлоқ ҳўжалиги соҳасида кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар, жамоатчилик фаолларидан шакллантирилган

"Жамоатчилик назорати кенгаши"ни таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

А. УСМАНОВ.

Сайёр йиғилиш



САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлигида сайёр йиғилиш бўлиб ўтди.

Ғалла ва пахта бўйича давлат контрактация шартномасини сурункали бажармаётган, ернинг унумдорлиги ва мелiorатив ҳолати пасайишига сабабчи бўлаётган, айти пайтда гўза парваришида муҳим агротехник тадбирларни кечикиб бажармаётган айрим қолоқ фермерларни аниқлаш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш, за-

рур ҳолларда қонуний чора кўриш орқали улар билан тузилган узоқ йиллик шартномани бекор қилиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда республика ҳамда вилоят Фермерлар кенгаши, республика жамоатчилик Кенгаши, туман ҳокимлиги, қатор бошқарма ва ташкилот вакиллари, депутатлар, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда тумандаги энг қолоқ "Олтин ҳило зийнати", "Кенг орол агро", "Орзу умид агро", "Эргашев Али Аскар", "Эъзозбек – Эшлодбек", "Хайринисо ая", "Аббос Агро фазл", "Мафтубонум фазл" ҳамда "Сайёра Агро бизнес" фермер ҳўжаликларининг ушбу йиллик фаолияти, гўза парваришида сусткашликка йўл қўйиш сабаблари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, тумандаги 365 фермер ҳўжалиги 30 минг 400 гектарда самарали фаолият юритмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари сифати тобора кенгайиб, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари жадал ривожланмоқда. Натижада, қўшимча янги иш ўринлари яратилиши ҳисобига аҳоли, айниқса, қол-беч битирувчиларнинг иш билан бандлиги таъминланаяпти.

Мамлакат Президенти раҳнамолигида фермерлик ҳаракати қаратилмаётган эътибор, яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлардан тўғри ҳулоса чиқармаган, айрим лоқайд, ер билан тиллаша олмаган фермер ҳўжаликлари ҳам учраб турибди. Уларнинг аксариятида пахта майдонларини ўт босган, зарур агротехник тадбирлар бажарилмаган. Махлисда таъкидланганидек, уларни гафлатдан уйғотиш, ерни ҳақиқий эгаларига топшириш лозим. Чунки, ўзбек фермерлари сафида бундай қолоқларга ўрин бўлмаслиги керак.

Шунингдек, йиғилишда қолоқ фермерлар ҳам сўз олиб, ҳўжаликнинг бундай аҳволга келишига ўзларини лоқайдликларини ва ҳафсаласизликлари сабаб бўлгани, бундан пушаймон эканлари, айниқса, маҳалла-қўй, қауум-қариндош олдида қаттиқ уятга қолган-

ларини ҳамда зудлик билан камчиликларини бартараф этишни ваъда қилдилар.

Йиғилиш сўнггида туманининг бир гурӯх илгор, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳудудларидаги қолоқ фермер ҳўжаликларида амалий ёрдам беришлари ҳусусида келишиб олдилар.

Шундай йиғилиш Чиноз туманидаги "Ўринбой ҳўжи" фермер ҳўжалиғи давомида ҳам бўлиб ўтди. Унда "Чиноз Оқ тулпор", "Чиноз зия гавҳари", "Маҳмуд ота", "Бехруз Шухрат фазл", "Жўрабеков Нуродим", "Сардоба Қўл тол дадаси", "Чиноз Наҳиддин нур", "Улуғбек Ҳасанбек барака", "Мираҳмедов Убайдулла" ва "Жангирон Маҳмаражаб" фермер ҳўжаликлари фаолияти муҳокама этилди.

Аваз БЕКОВ,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Бугунги кунда давлатнинг қишлоқ ҳўжалигида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришдаги устувор вазифалари моддий-техник таъминот, нарх сиёсати, иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, солиқ, молия-кредит, сугурта амалиётлари орқали фермер ва хизмат кўрсатувчилар фаолияти

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги рақобатбардошлигини оширишга тармоқни ривожлантириш мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида экани, табиий-иқлим шароитларининг қулайлиги, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш имконини берадиган экин навлари, уруғчилик тизими, агро-техникасини яратиш устида иш олиб борувчи илмий муассасалар борлиги ва олимлар мактаби яратилгани, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги sanoati мавжудлиги, тармоқ учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизими шаклланиши, малакали меҳнат ресурслари мавжудлиги ва унинг таркибиде ёшларнинг қўллиги, электр энергияси ва энергия ташувчи минерал хом ашё базаси борлиги каби омиллар ижобий таъсир кўрсатади. Лекин, бу ҳали рақобатбардош маҳсулот етиштириш дегани эмас. Ушбу омиллардан самарали фойдаланишга рақобатбардошликни таъминлайди. Шунингдек, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор йўналишлар агар тармоқ рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Бозор шароитида фермер ҳўжаликлари фаолиятини самарали йўлга қўядиган омил

Бунёдкорлик

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ШИФОХОНА

Ўрта Чирчиқ туманида 60 ўринли вилоят болалар ва ўсмирлар сил касалликлари шифохонаси ишга туширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда туман ҳокимилиги, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари ва маҳаллий аҳоли иштирок этди.

Туман соғлиқни сақлаш тизимидаги қурилиш-реконструкция ишлари учун 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, ушбу шифохона қурилиши учун 2,6 миллиард сўм сарфланди.

— Шифохонада 70 дан ортиқ малакали мутахассислар хизмат қилмоқда, — дейди бош шифокор Зулхумор Мирзасайидова. — Беморларни самарали даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хушид ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат.

— Шифохонада 70 дан ортиқ малакали мутахассислар хизмат қилмоқда, — дейди бош шифокор Зулхумор Мирзасайидова. — Беморларни самарали даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.



ЭЪЛОНЛАР

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2015 йил 15 июль соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи-Ангрен деҳқон бозори" (такрорий)
2. ШИ-14 й.т. "Оппарат маҳалласи-Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
3. ВХ-390П "Невич қишлоғи-Қўйлик АШБ" (Қўйлик томондан) (такрорий)
4. ШИ-2 й.т. "4-кичик ноҳия-Айлин фаб. -Марказий бозор-4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
5. ШИ-3 й.т. "4-кичик ноҳия-Марказий бозор-Қўрғон маҳ.-4-кичик ноҳия" (Охангарон ш.) (такрорий)
6. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
7. ВХ-415 "Қизилтоғ қ.-Қўйлик АШБ (Олга орқали)" (такрорий)
8. Битта пакет билан: ВХ-222 "Ёшлар маҳалласи бекати-Озодбош қишлоғи" ВХ-518 "Озодбош қишлоғи-ЭХП" (Озодбош томондан) ВХ-521 П "Қиёрай АШБ-Чирчиқ АББ (Байтқўрғон орқали)" (такрорий)
9. Битта пакет билан: ВХ-378 "Янгибозор АШБ-Қўйлик АШБ" ВХ-379 "Паркент АШБ-Самсарак қишлоғи" ВХ-382 "Янгибозор АШБ-Бўстон қишлоғи" ВХ-383 "Паркент АШБ-Машинасозлар АШБ" ВХ-514 П "Янгибозор АШБ-Чирчиқ АББ" (такрорий)
10. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ-Алимкент қўрғони" (такрорий)
11. ВХ-539 "Ғазалкент-Богистон қишлоғи" (такрорий)
12. ВХ-540 "Ғазалкент-Бурчмулла қишлоғи" (такрорий)
13. ВХ-543 "Чирчиқ АББ-Хондойлик қишлоғи" (такрорий)
14. ВХ-552 "Ғазалкент АШБ-Қўйил сув қишлоғи" (такрорий)
15. ВХ-557 й.т. "Қўйилсув маҳалласи-Ғазалкент АШБ" (такрорий)
16. ВХ-371 "Жумабозор-М.Юсуф кўчаси бекати" (такрорий)
17. Битта пакет билан:

- ВХ-366 й.т. "Янгибозор АШБ-Буюк Ипак йўли м.б." ВХ-367 й.т. "Янгибозор АШБ-Қўйлик АШБ" ВХ-375 й.т. "Янгибозор АШБ-Паркент АШБ" ВХ-380 й.т. "Паркент АШБ-Дала ҳавли-Буюк Ипак йўли м.б." (такрорий)
18. ВХ-476 й.т. "Тошкент ф/у - Беруний м.б. АШБ" (Бештерак орқали) (такрорий)
19. ВХ-286 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
20. ВХ-286 й.т.П "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
21. ВХ-594 "Бозор қўрғони-Карвон бозори" (такрорий)
22. ВХ-588 й.т. "Қизил Ўзбекистон-Тошкент АББ" (такрорий)
23. ВХ-295 й.т. "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори-Кескен қишлоғи" (такрорий)
24. ШИ-26 й.т. "2-Азотчи-Ҳарбийлар шаҳарчаси" (Чирчиқ ш.)
25. ВХ-429 й.т. "Дўстлик ф/у-Қўйлик АШБ" ВХ-381 й.т. "Қўйлик АШБ-Паррандачилик фабрикаси"
27. ШИ-31 й.т. "Сут заводи-Аммофос ОАК" (Олмалик ш.)
28. ВХ-302 "Янгийўл АШБ-Сирғали-7 АШБ" ВХ-202 "Паркент АШБ-Дала ҳавли-Қўйлик АШБ" ВХ-573 "Меҳнат қишлоғи-Тараққиёт-Х.Абдуллаев м.б."
31. ВХ-387 "Янгибозор АШБ-А.Ясавий" ВХ-388 "Чумчуққар қишлоғи-Жалолтепа қўрғони"
32. ВХ-426 й.т. "Ўртасарой ф/у-Қўйлик АШБ" ВХ-551 "Ғазалкент АШБ-Чам Чам қишлоғи" ВХ-552 "Ғазалкент АШБ-Чам Чам қишлоғи" ВХ-553 "Ғазалкент АШБ-Чам Чам қишлоғи" ВХ-235 "Янгийўл деҳқон бозори-Карвон (Ўрик-орқали) бозори" ВХ-236 "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори-Бек Барак бозори" ВХ-237 "Янгийўл деҳқон бозори-Вилоят шифохонаси"
36. ВХ-294 й.т. "Янгийўл-Сергели мавзеси" ВХ-546 "Чирчиқ АББ-Хўмсон қишлоғи (Ғазалкент орқали)" ВХ-404 "Пискент АШБ-Олмалик АШБ (Қирқиз орқали)"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимиятининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорлари ва асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, ҳалқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақдирларида таъсир этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасининг биттаб қўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳуқуқли даволатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбур шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан бит-

та автотранспорт воситаларини ҳар ҳил йўналишларга таъсир этишга ҳақли эмас. Тугатил ҳақ банкотлик босқинида турган ёхуд мулкка арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақдир этилаётган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимиятининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-й.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналиш-

ларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимиятининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсанотқурилишбанк" Қиёрай бўлими, х/р 20210000104681167001 (банк коди 00884, ИИН 300825470, ХТТТ 516800) га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда пул ўтказиб, 2015 йил 10 июль соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақдирларини 2015 йил 14 июль соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер тақдирлаш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-й, Тошкент вилояти ҳокимиятининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти биноси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Дикқат! Дикқат! Дикқат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан "Respublika mulk markazi" АЖДА ташкил этиладиган савдоларга чиқарилган давлат улушларининг оммавий савдоларига тақлиф этади.

№	Қорғона	Жойлашган маълумот	Юқори ташкилот	Сотилиши белгиланган Давлат активлари (мулк Уфзга давлат улуши), %	Бошланғич баёз (сўмда)	Савдо куни	Савдо тури
"Respublika mulk markazi" АЖ							
1	"Муҳандис" МЧК	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ҳокимият	43,7	495 609 086	2015 йил 22 июль, 6:20, июль ва 3 август кунлари	Аукцион
2	"НУР" МЧК	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	ҳокимият	25,44	2 221 015 869	2015 йил 22 июль, 6:20, июль ва 3 август кунлари	Аукцион
3	"Шарк" МЧК	Тошкент вилояти, Қиёрай тумани	ҳокимият	25	4 205 157 000	2015 йил 9, 23 июль, 7, 21 июль кунлари	Аукцион
4	"Келес Шароб" МЧК	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	"Ўзбекистон-Тошкент" ХК	25	1 926 788 000	2015 йил 9, 23 июль, 7, 21 июль кунлари	Аукцион

Маълумот учун телефон: (0371) 228-79-52. www.rmm.uz.

"KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқинча-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 22.01.2014 йилдаги 6572/26-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қўйидаги қўймак мулк қўйилмоқда: бошланғич нархи - 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хўвайдаб кўчасида жойлашган, умумий майдони 473 кв.м., асосий бинолар сони 4 та, ерданчи иншоотлар сони 6 та, қурилиш остидаги участка майдони 156,01 кв.м. умумий фойдаланиш майдони 88,16 кв.м. бўлган 21-уй "тузаройи (қовили)" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йилнинг 18 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 18.06.2014 йилдаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 276 646 397 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Танкишбоева 2-мавзеси, 3-В уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат "савдо дўкони" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдосига 2015 йилнинг 30 июнь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТБ "Ипотака банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931835001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207126747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига қиёб қилиниши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиде савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда А.Матова Мафтуна Раваханова номига берилган К № 1419951 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MINI BUS TRANS" (ИИН 302789281) МЧЖга тегишли бўлган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"MASTER PACK" (ИИН 302997815) МЧЖга тегишли бўлган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога тақлиф этади!

Савдога ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 10 июндаги РК-11/2871-сонли буюртма-масига асосан, ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани Янгийўл Қўйдаб жойлашган, бириктирилган ер майдони 0.21 га тенг бўлган, бир қаватли, бузқоқна, қораворлар уйи, босқинча ва молхонадан иборат қўймак мулк тақдирини қўйилмоқда (қораворчилик фермаси). Бошланғич баҳоси - 310 480 000 сўм.

Савдо 2015 йил 29 июнь кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусxada расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Савдога қатнашиш учун буюртмаларини қабул қилишнинг охириги муддати 2015 йил 26 июнь кунини соат 16.00.

Юқоридеги қўймак мулклар 2015 йил 29 июнь кунини соатлабган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6, 13, 20 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш: 2015 йил 6 июлдаги такрорий савдо учун 3 июль кунини соат 16.00, 2015 йил 13 июлдаги такрорий савдо учун 10 июль кунини соат 16.00, 2015 йил 20 июлдаги савдо учун 17 июль кунини соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо қўймак савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида қўймак мулкларга бўлган ҳуқуқни тасаруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари оқилатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар қўймак мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалидаги "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz, rieltasavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"QUNDUXON SAVDO" (ИИН 302784369) МЧЖга тегишли бўлган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утериную гоухоуноу № 3772, зарегистрированный в 27.06.2015 году за № 457, выданный на СП ООО "NEOGATE TRADE", считать недействительным.

Авал Яшнобод тумани ҳокимиятининг 28.04.2003 йилдаги 684-сонли қарорига асосан ҳамда ТСПУ томонидан 30.04.2003 йилда № 07-000772 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 1-уй, 24-А хонадонда жойлашган "MO'NI BIZNES" (ИИН 303310434) хусусий қорхонаси тугатилди (13.02.2015 йилдаги 1-сонли баённомага асосан). Кредитор ва дебиторлар давдалари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99893) 580-19-74 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПУ томонидан 03.06.2015 йилда № 008373-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MUSTANG STEEL PLUS" МЧЖ Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПУ томонидан 28.11.2011 йилда № 005578-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KO'RKAM CHIROV SERVIS" МЧЖни ўз сафига бириштиришни маълум қилади. "MUSTANG STEEL PLUS" МЧЖ "KO'RKAM CHIROV SERVIS" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Олов – тилсиз ёв

ЁНҒИН ЎЗ-ЎЗИДАН ЧИҚМАЙДИ

Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, sanoat қорхоналари, билим юртлари, мактаб, боғча, маҳаллаларда ёнғиннинг олдини олиш учун режалар текширувлар ўтказишмоқда. Фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, ёнғин

хавфсизлиги қондалари тушунтирилмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишлари янада қучайтирилди. Бундан ташқари, газ ва электр тармоқлари қорхоналари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ҳамкорликда тураржойларда рейдлар ўтказилмоқда.

Текширишлар давомида ўзбошимчалик билан табиий газ ускунасини уй балконларига ҳамда бошқа жойларга лойиҳасиз ўрнатиш, газ ускуналарини резина шланг орқали улаш ҳолатлари аниқланса, газ ва электр манбаидан узилмоқда ҳамда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли идора ва ташкилотларга тақдим этилмоқда. Лекин доимий огоҳлантиришларга, тинимсиз тушунтири-лаётганига қарамай, катта моддий ва маънавий зарар етказаятган ёнғинлар ҳамон рўй бермоқда.

Шу йилнинг 4 ойи давомида вилояти-мизда 397 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 295 таси фуқароларнинг уйларида юз бериб, 6 киши ҳалок бўлди, 23 фуқаро турли даражада куйиш жароҳати олди. Етказилган моддий зарар 1.178.722.096 сўмдан ортиди. Айниқса, Олмалиқ шаҳри, Оккўр-

ғон, Охангарон, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида содир бўлган ёнғинлар аянчали ҳолатларга олиб келиб, инсонлар ҳаётига зомин бўлди. Ёнғинларнинг 96 таси печь ва газ қурилмалари носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, 136 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 27 таси болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида содир бўлган.

Жумладан, 13 апрель кунини Зангиота тумани "Чигатой-Оқтепа" маҳалласи Лойиҳа кўчасида яшовчи Н. Саидали-хўжаевнинг уйдаги қозондаги ёғни назоратсиз қолдириш оқибатида ёнғин юз бериб, ошхона ва бос-тирма томи ёниб кетди ва уй эгаси катта миқдорда зарар кўрди. 19 апрель кунини

шу тумандаги "Чува-лачи" маҳалласидаги Р. Бойматов уйдаги электр ускуналарини ишлатиш қондасини бузиши натижасида ёнғин чиқиб, уй томи, шифти ёниб кетиб, уй эгаси катта миқдорда чиқимдор бўлди.

Кўриниб турибдики, ҳеч бир ёнғин ўзидан чиқмайди, балки одамларнинг эҳтиборсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлади. Демак, ҳар бир фуқаро доимо ҳушёр бўлиб, электр ва газ ускуналаридан фойдаланиш қондаларига риоя этгандагина ноҳуш ҳолатларнинг олдини тўлиқ олиш мумкин бўлади. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бор мол-мулкнингиз бир неча сонияда қўққа совирилиб, ҳўжа кўрбон бўлмай де-сангиз, олов билан ўйнашманг!

Сардор НУРМАТОВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

Хўрматли тадбиркорлар!

"Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини "Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" ва "Очик эшиклар қўли" эълон қилинади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларни техник қўриқдан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефон орқали муурожаат қилишнингиз мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қоширй кўчаси, 7-уй.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПУ томонидан 20.05.2015 йилда № 008323-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KADIROV MEDICAL SERVICE" МЧЖ Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСПУ томонидан 30.11.2012 йилда № 008396-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DOCTOR ABDULBOSIT" хусусий қорхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Маънавият

САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

хаққоний бир давлат ўртага ташланади: "Маданий жамоатчилигимиз, авваломбор, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикри-ни очиқ билдириб бориши, шу тариха ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман..."

Бу жараёнда "Ўзбекинаво" эстрада бирлашмаси ва унинг ҳойлардаги бўлинмалари зиммасига, айниқса, катта масъулият юкланиши табиий. Боиси, мазкур тузилма мамлакатимиз санъат усталари ва ижрочи ёшларининг юртимиз ва унинг ташқарисидagi гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаш-

(Давомий. Боши 1-бетда).

тирувчи, белгиланган тартибда лицензия билан таъминловчи ваколатли орган ҳисобланади.

"Қарс икки қўлдан", деган гап бор. Айни пайтда бирлашманинг вилоят бўлими ўз вазифаларини тўла-тўқис амалга ошириш, санъат оламида халқимиз эҳтиёжларини етарли даражада қондириш мақсадида бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйди. Бунинг тасдиқи сифатида бўлинмамиз вилоят давлат солиқ, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, шунингдек, "Махалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликда махсус чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиққанини айтиш мумкин. 2015-2016 йилларга мўлжалланган мазкур дастур асосан концерт-

томоша ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмасдан шу йўналишда фаолият юритаётган юридик ва ҳисмоний шахсларни аниқлаш ва улар билан тегишлича иш олиб бориш, бир сўз билан айтганда, соҳада қонунийликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни қамраб олган. Мақсад яққал хонандалар, бадий жамоалар фаолиятининг амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш, шу орқали, уларнинг ижодий ишлари ғоявий-бадий савиясини юксалтириш, зарур ҳолларда тегишли кўмак ва амалий йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборатдир. Бунга эришиш учун айни пайтда ҳамкор ташкилотлар билан бирга хонандолар, маросим уйлари, кафе ва ресторанларда нишонланаётган тўй

тантаналарида хизмат қилаётган хонанда ва созандалар, овоз операторлари, бошловчилар ва маъмур (администратор)ларнинг бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга эканликларини махсус рейдлар уюштириш орқали ўрганишга киришилди. Худди шунингдек, рейдлар мобайнида клублар, дискотекалар, ёшлар гавжум жойлар, хиёбон ва истироҳат боғларида хизмат қилаётган хонанда ва бадий жамоаларнинг чиқишлари, айтилаётган қўшиқларнинг савияси ҳам таъбир жоиз бўлса, чиғирқидан ўтказилди.

Кези келганда шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бу хайрли вазифада кўпни кўрган нуронийларимиз, маҳалла оқсоқоллари

ва фаоллари, зиёлилар, шунингдек, маҳаллаларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни ва кўмаги катта бўлаяпти.

Олдимизга қўйган вазифаларимиз ижросига тўла эриша олсак, ўйлаймизки, ёшлар тарбиясига акс таъсир қилувчи, фахши, беҳаёлик, жоҳиллик ва экстремизмни тарғиб этувчи ижроларнинг олдини олиш, шу руҳдаги аудио, видео материалларнинг намойиш этилиши ва тарқалишига барҳам бериш йўлида яна бир амалий қадам қўйган бўламиз.

Жавлон СУЛАЙМОНОВ,
"Ўзбекинаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлинмаси директори.



БРИТАНИЯ ЕВРОПА ИТТИФОКИДАН ЧИҚАДИМИ?

Лондон шахри ҳокими, Консерваторлар партияси вакили Борис Жонсон Британия Еропа Иттифоқи таркибидан бундан буён ҳам аъзо бўлиб қолиш-қолмаслиги ҳақида ўтказиладиган референдумда Британия ҳукумати аъзоларига ўз нуктаи назарларини эркин баён этишлари учун изн берилиши лозим, деди.



Унинг сўзларига қараганда, Британия бош вазири Дэвид Кэмерон вазирларга, шу жумладан, Европада шубҳа билан қарайдиганларга ушбу масалада ўз гапларини очиқ-ойдин айтиш ҳуқуқини берса, жуда тўғри қарор бўларди. Маълумки, Кэмерон Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши тарафдорлари бўлган ҳукумат аъзоларини ўз лавозимларидан кетишларига тўғри келиши ҳақида жиддий оғохлантирганидан сўнг сиёсий доираларда

жанжаллар авж олиб кетди. Шу муносабат билан бош вазир қаттиқ танқидга учради ва: "Менинг сўзларимни нотўғри талқин қилишди" дея эътироф этишга мажбур бўлди.

КОРРУПЦИЯДА ГУМОН ҚИЛИНАЯПТИ

Гватемаланинг олий суди коррупцияга алоқадорликда гумон қилинаётган мамлакат президенти Отто Перес Молина фаолияти устидан терговолди текширувни ўтказишга рухсат берди.



Мамлакат вице-президенти коррупцияда айбланганлиги сабабли истеъфо берди. Олий суд бошлиғи Хосе Бакиаининг айтишича, энди конгресс тергов комиссиясини тузиши лозим. Унинг аъзолари Молина коррупция билан боғлиқ воқеаларга ҳақиқатан ҳам алоқадорми ёки йўқлигини аниқлашлари керак. Мухлифатчи депутат Амилар Поннинг таъкидлашига қараганда, давлат бошлиғи юқори мансабли амалдорлар ижтимоий ҳимоя ҳамда божхона тартиботлари соҳасида алдам-қалдмаларга йўл

қўйганларидан хабардор бўлган. Прокуратура ҳамда БМТ маблаг билан таъминлаш қарор қилинган бўлишига қарамай, бир гуруҳ давлат хизматчиларининг пора хисобига тадбиркорларнинг солиқлардан қўлули қилишларига ёрдам берган.

ПОЛЬША СЕЙМИ СКИПЕРИ ИШДАН КЕТДИ

Мамлакат Сейми (парламентнинг қўйи палатаси) скипер Радослав Сикорский қўсқагина брифинг чоғида истеъфого чиқишга қарор қилганини ошкор этди.



Унинг гапига қараганда, республикада ҳуқуқрон бўлиб турган Фуқаролик платформаси партияси мафратини кўзлаб шундай қилган. "Мен яқин вақтда бўлиб ўтадиган сайловларда Фуқаролар платформаси муваффақиятга эришишига ҳисса қўшмоқчиман", деди у. Олдинроқ маълум бўлишича, мамлакатнинг уч вазири ва уларнинг бир неча ўринбосарлари истеъфого чиқишларини маълум қилган эдилар. Бундан ташқари, бош вазир маслаҳатчилари гуруҳи раҳбари, собиқ молия вазири Ян Ростовский ҳам ўз лавозини

мидан воз кечган эди.

Бир қатор вазирларнинг истеъфосига асосий сабаб шуки, амалдорлар гаплари яширин тарзда ёзиб олинган магнит тасмаси интернет орқали тарқатилган. Бу ҳолат биринчи галда ҳукуматни беҳурмат қилади.

ҚУРБОНЛАР КЎПАЙИБ БОРАЯПТИ

Илгари хабар қилинганидек, Хитойдаги Янцзи дарёсидан чўкиб кетган "Шарқ юлдузи" туристик теплоходи қурбонлари 434 кишига етди.

Қидирувчилар яна бир неча кишининг жасадини топишгани ҳақида хабар тарқатди Xinhua агентлиги. Кема бортда бўлганлардан фақат 14 киши, жумладан йўловчилар ва экипаж аъзолари омон қолди давом ҳалос. 8 киши эса

ҳамон бедарак йўқолганлар рўйхатида турибди.

Қутқарувчилар сузувчи кранлар ёрдамида сув остига чўкиб кетган кемани юқорига кўтариб олишга муваффақ бўлдилар. Айни пайтда қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Эшмат УСМОНОВА, Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчиси.

ФАРЗАНДЛАРНИ МУТОЛААГА ОШНО ЭТИБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Болалик – бегуборлик тисмоли" мавзuida китоблар кўргазмаси ташкил этилди.



Президентимиз раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида навқирон авлоднинг китобга бўлган меҳрини, мутулаа маданиятини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Янгидан-янги маънавият масканлари, ахборот-ресурс марказлари барпо этилаётгани, мактаблар қошидаги кутубхоналар замонавий техник жиҳозлар, бадий, маърифий, илмий-омма-

боп адабиётлар билан бойитиб борилаётгани соҳа раънақи йўлида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўғил-қизларнинг адабиётга, ўқишга бўлган қизиқиши ва иштиёқи, интилишини қўлайлаштиришга оид бир қатор маърифий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Мактаб ўқувчиларининг ёзи таътил кунларида бу борадаги ибратли ишлар тобора кўпайгани аҳамиятлидир. Ташкил эти-

лаётган турли интеллектуал викториналар, танловлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокидаги ижодий учрашувлар, жонли мулоқотлар болаларнинг билимини янада мустаҳкамлашга, тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Зиё масканининг "Истиқбол" залида ташкил этилган мазкур кўргазмада болалар адабиётига оид беш юздан ортқ китоб, расми-альбомлар намойиш этилмоқда.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати

билан рассом Леонид Маркининг "Умр мазмуни" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА УМР МАЗМУНИ

Кўргазманинг очилишида юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук, юксак маънавиятга инсонлар этиб камолга етказишда нуронийларнинг ибратли ва бой ҳаёт тажрибасидан кенг фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида ҳам бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, навқирон авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, ҳалоллик каби фазилатларни қарор топтиришда табаррук отахон ва онахонларнинг ўғит ва маслаҳатларини тарбия жараёнига кенг татбиқ этишга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Ушбу жиҳатлар мусаввир Л. Маркин ижодида ўзифодасини топган. У Беньков номидаги Республика рассомлик коллежи, сўнг

ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг графика йўналишида тахсил олган. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Рассом ижодида тошда ҳайкалбоп миниатюра асарлари яратиш ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Унинг коллекциясида юздан ортқ ана шундай иход намуналари мавжуд.

Кўргазмада Ватанимиз-



Кўзгудаги ўзимиз

ҒАРОЙИБ ОДАМЛАР БОР...

Шарифбойникида кейинги ҳафтада катта йинг, ўғлини уйлантирмоқчи. Ҳамманинг оғзида шу гап. Базилар: "Бой бутун ҳовлисига гилам тўшар экан" деса, яна кимдир...

Хуллас ҳамма ўз тасаввурлари даражасида қўқиб-бичиб юрибди. Бироқ, аниқ бир ҳулоса йўқ, фақат "деди-деди", "эмми-эмми". Икки қўшни ҳам шу тўй ҳақида гапиришяпти.

— Шарифбой сизни тўйга айтдимиз? — сўради Қозим.

— Ҳа, кеча таклифнома берди, — деди Акбар.

— Алоҳида қақирибди-да. Энди, сиз олий маълумотли одамсиз. Бизни оғзаки айтса ҳам етарди.

— Нима, сизни айтмадимиз? — Айтмади.

— Унутгандир, айтар ҳали. У ҳеч кимни назардан қолдирмайдим. Айтгандай, яқинда укангизни уйлантирингиз шекилли, уни тўйга айтганмидингиз?

Мен ҳам тўйингизни эшитдим, бироқ ўзингиз индамагандан кейин...

Бу гаплардан Қозимнинг кўзлари пирпираб кетди. Айб иш қилган одамдек

қизариб-бўзарди.

— Тўйхонада ихчамгина қилиб ўтказиб қўяқолдик, шундан... — чайналди у.

Орага совиқ сукунат чўкиб, суҳбатлари қовушмади. Қўшнилар бўшгина хайрлашди. Остона ҳатлаб, ҳовлисига қайраётган Акбар аста пичирлади:

"Ғаройиб одамлар бор-да, ўзлари эсдан чиқарганини эътиборга ҳам олмайди. Бироқ, бировнинг ҳаёлидан салгина фаромуш бўлса, дарров санокдан ўтказишди..."

Юнусбек АБДИЕВ.

Эгрилик ҳамиша панд беради

ЭР-ХОТИН ФИРИБГАРЛАР

Жамиятимизда шундай тоифа одамлар борки, мол танасидаги кана сингари ўзгалар ҳисобига яшани одат қилишган. Халқимиз бундайларни, яъни бировларнинг меҳнат қилиб топган пулларини алдо йўли билан ўзлаштирувчиларни фарибгарлар дейди. Буни қарангиз, асли Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида доимий рўйхатда туриб, Уchteп туманида истикомат қилувчи эр-хотин Нурали Саидов ва Гулсара Аҳадовалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундай фарибгарлардан чиқиб қолди.

Иккала фариб усталари бугун одамлар тафаккури, ҳуқуқий саводхонлиги, билим ва дунёқараши ривожланган, бир сўз билан айтганда, алдаш қийин бўлган мураккаб шароитда ҳам бу-

нинг уддасидан чиқишди. Улар Олмазор тумани Ғалаба кўчасидаги хонандоларидан устомонлик билан фойдаланишди. Уйни сотувга қўйиб, "лақа балик" қидиришди. Кўпдан буён уй олиш

мақсадида пул йиғиб юрган Комилжон Туробов "ишончли" қармоққа бир зумда илинди.

Сотувчи ва харидор уйнинг нарҳини келишиб олишгач, "тўр" қароматини қўсатга бошлади. Дастлаб, устомонлар уйни сотиб олиши учун гаров тариқасида К. Туробовдан минг АҚШ долларини санаб олдилар. Тез орада бу пулларни ҳазм қилишгач, харидордан қиз узатиш ва уйнинг ҳужжатларини расмийлаштириш баҳонасида яна 1500 АҚШ долларини шилишди. Аммо, уйнинг олди-сотди-

сидан ҳамон дарак йўқ. К. Туробов икки ярим минг доллардан кейин ҳам ҳадеганда, уй масаласи пайсалга солинаётганидан хавотирга тушиб, пулни қолганини уйнинг ҳужжатлари расмийлаштирилмаётганида беришга қарор қилди. Бу орада, Н. Саидов яна минг АҚШ долларини сўраб, унинг хавотирини баттар оширди. К. Туробов энди пул бермаслигини айтди. Н. Саидов эса агар пул бермаса, олдинги пулларни қайтармаслигини маълум қилди. К. Туробов алданганини тушуниб етгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органларига мурожаат этди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди. Шунингдек, судда судланувчиларга нисбатан яна бир хабарланувчи — Б. Қайомовнинг 4 минг АҚШ долларини ундириб бериш тўғрисидаги мурожаати билан боғлиқ жиноий иш ҳам кўриб чиқилди. Суд, Н. Саидов ва унинг турмуш ўртоғи Г. Аҳадоваларга тегишли тартибда жазо таъинлади.

Эшмат УСМОНОВА,
Шайхонтоҳур туман прокурори ёрдамчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълуми:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олишган.

Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилли ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Набатчи

Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ